

Роберт Грин


ҲОКИМИЯТНИНГ

48

ҚОИДАСИ



INFO CAPITAL BOOKS



Инсоният тарихи – урушлар тарихи, деган машхур таърифни ҳамма билади. Гап инсоният тарихи ҳақида борганда, масаланинг нақадар кенг қамровли ва залвори ҳам шунга монанд бўлиши рост. Не ажабки, инсоният тарихи – найрангу фирибларнинг ҳам ўзига хос тарихини ўзида мужассам қилади, бу борада ҳам инсоният тарихи билан баравар тарзда тараққиётни намоён қилган қамров ва кўлам шуни тақозо этади.

Дунё дунё бўлибдики, шундай – яшаш учун кураш, мавқе учун зимдан ёки очикдан-очик кўрилувчи саъй-ҳаракатлар маълум ижтимоий қатлам ёки оддийгина муносабатлар замирида акс этади, мужассам бўлади. Қўлингиздаги китоб – шу ҳақда. Хукмронлик бунда ҳам ўз маъносида, ҳам ундан-да кенг миқёсдаги моҳият сифатида назарда тутилади. Бунга мазкур китоб саҳифалари билан танишишингиз асносида амин бўла борасиз.

Фирибгарнинг фирибига чув тушганлар атрофимизда кўп, уларни санаб саноғига етиб ҳам бўлмас, эҳтимол. Ҳатто ўзингиз ҳам уларнинг жилваларига маҳлиё бўлганингизни сезмай қолгансиз, буни инкор этмайсиз. Мен ҳам шундай вазиятларга кўп тушганман. Эҳтимолки, бундан кейин ҳам тушаверарман, буни олдиндан билмайман ҳам. Соддадиллик эса борган сари узоқлашади, оққўнгилликдан кўнглингиз қолгандек бўлаверади борган сари. Лекин... Ҳар тугул мулоҳазанинг давоми турлича бўлиши мумкин (давоми бўлмаслиги мумкин эмас). Бу китобни қўлга олганимда, мутолаанинг дастлабки палласидаёқ ўқишни

тўхтатдим. Одатимдир эҳтимол бу, мен бундай ҳолатда таржима жараёни билан барабар тарзда ўқиб-ўргангим келади. Ҳа, фирибгарларнинг ҳам, фирибларнинг ҳам маълум қоидалари бор экан ва энг қизиғи шундаки, уларнинг наздида бу қоидалар “ҳукмронлик қоидаси” тарзида талқин қилинади, бундаям, ўйлаб қаралса, жон бордек, албатта. “Жон бор” эканки, буни, уларнинг “яшаш тарзи”ни билиб, буни ўзларига “акс таъсир” нуқтаи назаридан ўрганиб қўйиш ҳам керакмикан. Ахир, ўқиган нарсасини, албатта, билади одам.

Ҳа, бу китобни ўқишнинг ўзи сиз беҳабар бўлган оламни била бориш, ҳайратларни қайтадан кашф қилиш, десак бўлади. Атрофдаги айримларнинг нечоғлик феъл-атвори, ўзини қайси пайтда қандай тутишлари, қачон ва қай ҳолатда нечоғлик кўрина олишларидан воқиф бўлишингиз учун муҳим бу. Балки, шундаям тугал била олмасиз, лекин ўқиб қўйишингизнинг ўзи фойдадан холи эмас. Мутолаа қиласиз – фирибгарларнинг фирибларини. Бу қанчалик ғалати, қизиқ кўринмасин, буни ўрганишнинг ўзиям дунёвий тараққиёт сингари давомли – изчил. Демакки, билишда, ўрганишда, ҳушёрликда – охирги тўхтаб йўқ. Ҳар ҳолда бугунча, ҳозирча огоҳлигингиз, теваракка ҳушёр назар ташлашингиз учун билиб қўйганингиз жудаям муҳим бўлганини англаб етасиз. Ҳайратларнинг ўзи сизни айна шундай хулосаларга етаклайди – ҳаётингиздаги айрим манзаралар кўз олдингиздан оҳанграбо тасмасидай бўлиб ўтиб турса ҳам ажаб эмас. Шу манзараларни қайтадан, ўзгача кўз билан кузатасиз – не ажабки, кўринганларнинг асли ўзгачароқ экани, эндиликда кечикиброқ бўлса-да, маълум бўлади. Кейинам кечикмаслигингиз учун зарур-да бу.

“Еган-ичганинг ўзингники, кўрган-билганингдан гапир”, дейди халқ. Негаки одамнинг айнан кўрган-билгани бошқаларга сабоқ бўлади, наф беради. Не ажабки, башариятга ҳам тааллуқли бу, унинг ҳам кўрган-билгани – келажакдаги авлодларга амал қилади. Қисқаси, синчиклаб қараган одамга ҳам кўринмаган нарсалар, не ажабки, ҳар томонлама ўйлаб... қараган одамга кўринади.

Фахриддин Содик



Одатда, атрофимиздаги – одамлар билан муносабатимиз ёки воқеа-ҳодисалар истакларимизга зид тарзда кечаётганини кўришни ёқтирмаймиз – ожизлигимизни кўриб-билиб турганимиздан кейин бахтсиз ҳис қиламиз ўзимизни. Ҳеч ким ҳам ўзини кимнингдир томонидан бошқарилишини истамайди, ҳамма ҳам ўзида имкони борича кўпроқ ҳукмронликни мужассам қилишни хоҳлайди. Аммо бугунги кунда киши ўзидаги бундай интилишни очикдан-очик намоён қилиши бир қадар таҳликали экани ҳам рост. Ҳаммамиз ҳам машҳур, сипо-камтарин ва ҳалол одам сифатида таассурот қолдиришни истаймиз. Шундай экан, бирозгина айёрона кўринса-да, қалбга эзгу ҳисларни жамлаб, одамларга хайрихоҳ самимийликни ўзида мужассамлаштирувчи – нозик санъатни ўзлаштиришимизга тўғри келади.

Аслида бир вақтнинг ўзида иккиёқлама жиҳатни ўзида намоён этувчи бундай муносабат подшоҳларнинг саройларидаги қадимги ўйинларни ёдга солади. Тарихий тараққиётдан маълумки, саройдаги муҳит ҳамиша қирол, қиролича, император ёки бошқа бирор ҳукмдорнинг иродасига кўра шаклланади. Сарой аъёнлари мавриди билан жуда-жуда қалтис вазиятларга тушиб қолишади: улар ўзларининг олампаҳоқлари учун хизмат қилишлари керак, агар шу самимий садоқат очикдан-очик хушомадгўйлик тусига кирса, атрофдагилар бундан усталик билан фойдаланишади ва буни ўша аъённинг ўзига қарши ишлатишади. Шунинг учун бу каби ҳаракатлар имкони борича зимдан, қувлик билан амалга оширилганки, бунинг оқибатида олампаҳоқнинг меҳру муҳаббати қозонилган. Муносабатлардаги шундай нозик жиҳатни усталик билан

Ўзлаштирган энг тажрибали мулозимлар ҳам ҳушёрликни бўшаштирмаганлар, чунки шароит шуни тақозо этади – рақиб, душманлари кутилмаган фурсатда уни йўлдан олиб ташлашга қаратилган ҳаракатларини амалга ошириб қолишлари мумкин.

Албатта, ўша замонларда сарой юксак инсоний назокат ва дунёвий тараққиётни ўзида намоён этган. Ҳукмронлик сари қўпол ва очиқдан-очиқ интилиш қораланган, сарой аъёнлари ҳар қандай қудратли кучга нисбатан ҳам тинчгина, зимдан кураш олиб боришган. Бу сарой ҳаётининг ўзига хос дилеммаси* (дилемма – мунозарадаги бир-бирига зид икки хулоса уйғунлиги) эди: ташқи кўринишидан мафтункор ва олийжаноб кўринган сарой аъёнлари рақибларини имкони борича айланиб ўтишга ёки чув туширишга ҳаракат қилишади. Омадли мулозим мавриди билан ҳаётнинг илонизи йўлларида сабоқ чиқарган ва юзидаги мулойим табассум, қўлидаги бахмал қўлқоп билан қандай қилиб орқаворатдан душманга зарба бериш ҳадисини олган. Ҳақиқий аъён ҳамиша ҳам очиқдан-очиқ курашни эмас, узоқни кўзлаган ҳолда авраш, жозибали фитнаю қутқуларни ўзида акс эттирган айёрона йўлни маъқул кўрган ва бу билан бир неча қадам кейинги ҳаракатларни ҳам кўра билган. Шундай қилиб, саройдаги ҳаёт ўзида иштирокчиларнинг доимий ҳушёрлиги ва тактик фикрлашини талаб этадиган бетиним ўйинни намоён қиларди. Бу эса ҳурмат ва назокат билан олиб бориладиган беаёв жанг дегани эди.

Бугунги кунда ҳам биз айнан шунга ўхшаган парадокс билан юзма-юз келамиз: ҳаммаси маданиятли тарзда, сипо, демократларча ва ҳалол бўлиши керак – ташқи кўринишдан, албатта. Лекин агар биз бу ўйин иштирокчисига айлансаг-у, унинг қоидаларини борган сари нозик илғай бошласак, рақибларимиз ҳам буни сезиб қолишади, улар буни билмайдиган даражада содда бўлишмаса, албатта. Уйғониш даврининг буюк дипломати ва сарой аъёни Никколо Макиавелли ёзганидек: “Кимки ҳар доим ҳам яхши бўлишга интилар экан, қачондир келиб, у ўзининг атрофидаги саноксиз ёмонларнинг қурбонига айланиши муқаррар”. Сарой ўз моҳиятига кўра, назокату гўзалликнинг энг юксак намунаси бўлган, лекин мана шу гўзаллигу назокатнинг ортида пинҳоний истаклар яширинган – очкўзлигу ҳирс, ҳасад, нафс, нафрат тўлиб-тошиб турган.



Кўзичоқлар йиртқич қушларни ёқтирмасликлари ажабланарли ҳол эмас, лекин бу, қўйларни омон сақлаш учун йиртқичларни тутқунликда тутиб туриш учун асос бўла олмайди. Агар кўзичоқлар: “Бу йиртқичлар жудаям қаттол, шундай экан, биз ҳаммамиз қайсидир воситаларимизни бирлаштириб, уларга қарши қўйишга ҳуқуқимиз йўқми?” деб ўзаро пичирлашиб, аҳду паймон қилишсалар эди, бу борада уларга нисбатан ҳеч бир эътироз бўлмасди. Лекин, тўғри, шунда йиртқич қушларнинг бошлари қотади ва: “Биз бу меҳрибон кўзичоқларга ҳеч бир ёмонликни раво кўрмаймиз, ҳатто биз уларни жуда яхши кўрамиз, чунки дунёда кўзичоқ гўштидек лаззатли таомнинг ўзи йўқ”, дейишади.

Фридрих Ницше
(1844–1900)

Ва мана, ҳозирги кунда ҳам, бир қарашда олийжаноб ишлар авжига чиққандек таассурот қолдиради, лекин ҳамма замонларда бўлгани каби ўша-ўша хунук хатти-ҳаракатлар бизни ҳалигача жунбишга солади. Бу ўйиннинг қоидалари ўша-ўша ҳолича қолган. Албатта, ҳалол ўйинни ёқлаган бўлардингиз, лекин аслида, агар сиз жудаям содда бўлмасангиз, тадбиркорлигу эҳтиёткорликни тезда ўзлаштириб оласиз ва Наполеоннинг “Темир қўлингизга бахмал қўлқоп кийиб олинг” деган маслаҳатига беихтиёр амал қиласиз. Агар қадимги сарой муҳитига мос бундай зимдан муомала санъатини ўзлаштириб олсангиз, сиз тезда мафтункор бўла олиш, хушомад, фитна-фасод тўқиб чиқаришни ва рақибларингизни устмонлик билан бармоқларингиз орасида ўйнатишни билиб оласиз – шунда ҳукмронликнинг энг юксак жойларидан ўз ўрнингизни топасиз. Сиз одамларни ўз иродангизга бўйсундирасиз, буни қай тариқа уддалаганингизни ўша одамларнинг ўзлари сезмай ҳам қолишади. Ҳамонки, сизнинг нима қилаётганингизни тушунишмас экан, улар ҳеч қачон сизга қаршилик ҳам кўрсатишолмайди.

Айрим одамлар учун ҳукмронлик ўйинларида онгли тарзда иштирок этиш муҳим эмас, чунки бу уларда одамийликка зид эскилик сарқити сифатида таассурот қолдиради. Улар бундай ўйинда қатнашмай туриб, ҳаракатларида ҳукмронлик билан боғлиқ ҳеч бир жиҳатни кўрсатмай туриб ҳам мақсадга эришишга ишонишади. Бундай одамлардан эҳтиёт бўлинг, негаки, уларнинг аксарияти тил учидагина шундай қилишади,

аслида эса улар ушбу ўйин устаси фаранг бўлиб чиқади. Улар хийлаю найранглари очикдан-очик қўллаб, айёрона стратегик усулни қўллашади. Бу тоифадагилар, масалан, жуда кўп ҳолларда ўзидаги олийжаноблик сабаб ҳукмронликка интилиши йўқлигини, бу борада анча-мунча ожиз эканлигини кўрсатишга уринади. Лекин аслида, чиндан-да ҳукмронликка интилмаган ва унга росмана қизиқиши бўлмаган одам ўзидаги қайсидир ожизликни жамиятдаги қадрият сифатида кўрсатиб, шу орқали ўзига нисбатан ҳурмат-эҳтиромни пайдо қилишни хаёлига келтирмаган бўларди. Ўзидаги ожизликни қадрият даражасида кўрсатиш – ҳақиқатдан ҳам ҳукмронлик учун нозик ва доғули курашдаги энг унумли усуллардан саналади (22-қоидага қаранг. Таслим бўлиш усулини қўлла: ожизликни кучга айлантир).



Сарой, шубҳасиз, ўзида одобу назокатни ва яхши ишларни акс эттиради. Агарда шундай бўлмаганида хунрезлик ўчоғига айланиб, қаровсиз ҳолда ҳувиллаб қолган бўларди. Бир-бирига нисбатан мулойим табассум билан қучоқ очаётганлар ўзаро ҳақоратли муносабатга киришишган ва ҳатто тарбияси шунга йўл қўйса, бир-бирларини дўппослаб ҳам кетган бўларди.

Лорд Честерфильд
(1694–1773)

Ҳукмронлик учун курашмаслигини айтувчи одамларнинг яна бир услуби – ҳаётнинг ҳамма жабҳаларидаги тенгликни талаб қилишдир. Уларга қолса, мавқе ва имконидан қатъи назар ҳамма билан бир хил муносабатда бўлишса. Агар ҳукмронликнинг айрим қусурларини таъкидлашдан чарчамай, ўзингизгина ҳамма билан ҳам адолатли бўлишга интилаверсангиз, бир муаммо сизнинг қаршингизда кўндаланг бўлади: буни қарангки, адолатнинг ўзи битта, лекин айнан бир нарса ҳар битта одамда ҳар хил кечаркан. Ҳаммага ҳам бир хил муносабатда бўлиш – одамдаги ўзига хосликни писанд қилмаслик, уқувсизларни ортмоқлаб, уддабуронларни тушовлаб туриш демак. Яна шуниси ҳам борки, бундай услубни қўлловчилар имконидаги рағбатларни тақсимлаш билан ўзларининг ҳукмронлик учун курашини давом эттиришади.

Ҳукмронлик учун курашга киришмасликнинг яна бир сабаби – чинданам ҳалол ва ростгўй бўлишдир. Негаки, ҳукмронлик учун курашнинг энг асосий шартлари яширинлик

ва ёлғон экани маълум. Лекин сизнинг мутлақо ҳалоллигингиз кимгадир жуда катта зарба бўлиб тушиши ёки уни шунчаки хафа қилиши мумкин. Бунинг оқибатида эса қачондир кимдир сизга жавоб зарбасини тайёрлаб туриши табиий бўлади. Ҳеч қандай шахсий манфаатни назарда тутмай бор нарсани борлигича айтишингиз, охир-оқибат ҳеч ким учун қизиқ ҳам бўлмайди. Ва улар тўғри ҳам қилишади: аслида ростгўйлик билан кўзбўямачилик қилишнинг ўзи – ҳукмронликка интилишнинг яна бир усули, бундан мақсад – одамларни саҳнада чинданам ҳақиқатгўй, худбин бўлмаган киши пайдо бўлганига ишонтириш. Бу – ишонтириш йўриғи, ҳатто, айтиш мумкинки, бўйсундиришнинг нозик шакли саналади.

Ниҳоят, ҳукмронликни қўлга киритиш орқали дидсизлик ва гўл ҳаёт тарзини намоён этишда айбламасликлари учун ҳукмронликка интилиш ўйинида иштирок этмайдиганлар тоифаси ҳам бор. Яна эҳтиёт бўлиш талаб этилади, негаки айна шу соддадилликнинг ортида нозик айёрлик яширин бўлиши мумкин (21-қоидага қаранг. Соддадилни алдаш учун соддадил бўл: мўлжалингдаги одамдан аҳмоқроқ кўрин). Соддадиллик қанчалик самимий бўлса, ҳукмронлик ўйинидаги қопқонга шунча тез илинади. Одатда, болалар чиндан-да соддадил бўлишади, лекин, ҳатто улар ҳам ўзларига керакли нарсаларга эга бўлиш учун атрофдагиларни бошқаришга ҳаракат қилишади. Бола катталарнинг орасида ўз ҳуқуқлари чекланганини жуда яхши тушунади ва турли йўллар билан ўзиникини маъқул қилишга ҳаракат қилади. Мақсади ҳукмронлик бўлган ўйинда, албатта, самимий соддадил кишилар ҳам муваффақиятли иштирок этишлари мумкин. Бунда улардаги самимият жуда асқотади ҳам, чунки бошқалар улар каби соддадилликни самимий тарзда кўрсатишга, одатда, уринишади, холос, соддадил одамларда эса бу табиий ҳолда мавжуд. Такрор айтамиз: ўзини бегуноҳ кўрсатишга уринаётганлар аслида кўринганларидек эмас.

Сиз ҳаётдаги ўйиннинг бундай иштирокчиларини осонгина билиб олишингиз мумкин: улар ўзининг ахлоқий хислатларини, ҳалолликларини, ҳақиқатгўй эканликларини намоёйишкорона кўз-кўз қилишади. Лекин ҳаммаям ҳукмронликка интилишини ва инсоннинг барча интилишлари охир-оқибат шу мақсадга қаратилишини ҳисобга олсак, ҳукмронликка эришиш ўйинида “ўйинчи бўлишни истамаганлар” аслида атрофдагиларнинг кўзларини шамғалат қилишади. Улардаги ўша ахлоқий жиҳатлар

эса хукмронлик учун курашиш йўлидаги ниқобдан бошқа нарса эмас. Уларга эътибор билан қаранг – ҳатто, уларнинг айримлари ҳаракатларини беихтиёр қилган тақдирда ҳам – айнан улар орқаворатдан иш кўриш санъатини бошқаларга қараганда яхшироқ ўзлаштиришганига ўзингиз амин бўласиз. Улар ўйлаганлари ошкор бўлиб қолганида беҳад жазавага тушиб, ғазаб отига минади.

Агар дунёни подшо саройига қиёсласак, бундан бошқа дунё аслида биз учун йўқ бўлса, бундаги тадбиру ўйинларда иштирок этмасдан туриб яшашнинг ўзи мантиқсиз бўларди. Бу сизни хукмронликнинг энг кичик завқидан ҳам маҳрум қилади ва нечоғлик ожизлигингизни билганингиздан кейин хўрланганингизни ҳис қиласиз. Шундай экан, киши муқаррар қийинчиликлар билан ортиқча курашиб, баҳслашиб, айбу нуқсонлари кўпайиб, борган сари ўзини айбдор санаб юргандан кўра хукмронлик сари қатъият билан интилиб яшагани афзал. Аслида бу интилишингиз қанчалик омадли бўлса, шунчалик яхши дўст, эр, хотин ёки шунчалик етук шахс бўлиб бораверасиз.



Одамлар ўз мақсадига етишидаги ягона воситанинг моҳиятида куч ва айёрлик мавжуд. Яна севги ҳам, дейишлари мумкин сизга, лекин буни худди қуёшнинг чарақлаб чиқишини кутгандек кутишга тўғри келади, ваҳоланки, ҳар бир лаҳза ўзи учун чинакам ҳаётни талаб этади.

Иоганн Вольфганг Гёте
(1749–1832)



Овчининг отган ўқи бир кишини ўлдириши ёки умуман унга тегмаслиги мумкин. Лекин ақлли одамнинг ҳийла-найранги она қорнидаги чақалоқниям ўлдириши мумкин.

Каутила, ҳинд файласуфи
эр. ав. III аср



Мен ўзимга: бошқаларни алдай олишим ва бу орқали ранг-баранг ҳаётни янада гўзалроқ қилиш учун қандай воситаю ҳийла-найранг, қанчалар турфа санъатларни эгаллашим лозим бўларкин, деб савол бердим.

Франческо Веттори,
Макиавеллининг замондоши ва дўсти,
XVI аср бошлари

Ҳақиқий сарой аъёни йўлидан бориб эса сиз (24-қоидага қаранг), қандай қилиб одамлар сиз ҳақингизда яхши таассуротда бўлишига эришиш мумкинлигини биласиз, айти вақтда сиз ўзингиз ва бошқалар учун мамнуният манбаи бўлиб ҳам қолаверасиз. Сиз билан муносабатнинг ўзиданоқ қониқиш ҳосил қилган одамлар сизнинг имкониятларингиз нечоғлиги ҳақида ортиқ қизиқмай қўйишади. Аслида ҳукмронлик учун кураш – олов билан ўйнашишдек гап, бу ўйиннинг қоидаларидан беҳабар тарзда ўйинга қўшилиш билан одам нафақат куйиши, балки ёниб кетиши ҳам мумкин. Бу китобдаги 48 қоидани ўзлаштирганингиздан кейин эса сиз ўзингизни ва атрофдагиларни бу йўлда турли-туман оғриқлардан халос этасиз. Ҳамонки, ҳаётда одам учун ўз ўрнини топиши ва ҳукмронлик йўлидаги кураши муқаррар экан, бунда сиз шунчаки ҳаваскор ёки нўноқ ўйинчи эмас, чинакамига моҳир ўйинчи бўлганингиз маъқул.

Ҳукмронликка эришиш учун кураш одамдан дунёга, ундаги айрим турғунлик ва истиқболларга ўзгача назар билан қарашни талаб қилади. Бунинг учун эса кишига қатъият ва тажриба керак бўлади. Жуда кўплаб янгича билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга тўғри келади, буларни эгаллагач эса, ҳукмронлик қоидаларини ҳаётингизга табиийлик билан осонгина қўллай оласиз.

Бу кўникмаларнинг энг муҳимларидан бири, шунингдек, ҳукмронликнинг асосий шarti – киши ўз ҳиссиётини бошқара олиши саналади. Вазиятга ҳис-ҳаяжон билан муносабат билдириш – ҳукмронликнинг энг катта тўсиғи, сиз йўл қўйган энг катта хато бўлиб, бу хато сиз учун туйғуларингизни ошкор қилиб эришадиган энг катта завқу шавқдан кўра бир неча баробар қимматга тушади. Ҳис-туйғудан ясалган тўсиқ туфайли сиз вазиятнинг ҳақиқий сабабларини кўрмай қоласиз. Асл сабаблардан хабардор бўлмаганингиздан кейин мавжуд вазиятга ўзингизни муносиб тайёрлай олмаслигингиз ёки ҳеч бўлмаганда, бу ҳолатда ўзингизни қандай тутиб, қай тарзда муносабат билдиришингиз кераклиги ҳақида ҳам ҳеч нарсани аниқ билмаслигингиз табиий.

Ғазаб – ҳис-туйғуларнинг ичидаги энг бузғунчиси, у келажакни бутунлай қоронғулаштириб, сизни, умуман, кўриш қобилиятидан маҳрум қилиб қўяди. Натижада сиз вазиятни назорат қилишга қодир бўлмай қоласиз, рақибингизнинг

ўзига бўлган ишончи эса ортиб боради. Агар сиз ўзингизга зулм қилган рақибингизни янчиб ташламоқчи бўлсангиз, ғазабингизни кўрсатгандан кўра унга борган сари дўстона муносабатда бўлиб, шу орқали ундаги сергаклигу хушёрликни ўлдириб олганингиз маъқулроқ.

Севги-муҳаббат ва ўзини кимгадир бутунлай бахшида этиш ҳам ҳукмронликка эришиш йўлидаги курашда ҳалокатли оқибатларга олиб келади. Негаки айнан шу ҳолат ўзингиз танлаган йўлдаги сиз энг кам шубҳаланган одамларга хизмат қилишингизга сабаб бўлади. Кимки, ғазаб ёки муҳаббатини бошқара олмаса, ҳеч бўлмаганда, ўзини шунга мажбур қила олмаса – ҳукмронлик сари кураш учун уринмай қўя қолгани маъқул. Сиз мана шу иккиси (ғазаб ва муҳаббат)га нисбатан назоратни бўшаштирмаслигингиз ва энг муҳими, улар сизнинг режа ва мўлжалларингизга ҳеч қачон таъсир ўтказмасликлари керак.

Ўз ҳис-туйғуларини бошқариш, аввало, кишининг ҳозирги лаҳзалардан ўзини четга ола билиб, ўтмиш ва келажак ҳақида холисона фикр юритиш билан боғлиқ. Худди римликларнинг ҳамма дераза ва эшикларни кўриб-кузатиб турувчи маъбудиди – Янус каби сиз ҳам бир вақтнинг ўзида ҳар икки томонни кўриб туришингиз керак – шунда хавф қайси томондан келмасин, сиз уни бартараф қилишга муваффақ бўласиз. Мана шундай икки томонлама нигоҳ кўникмаси устида бош қотириб кўринг – бу нигоҳларнинг бири доим келажакка қараб турган бўлади, иккинчи эса – ўтмишга, ўтмишнинг сабоқлари ҳам сиз учун муҳимлиги шубҳасиз.

“Доимий сергаклик!” – келажакнинг шиори ана шундай! Ҳеч нарса сизни ғафлатда қолдира олмаслиги керак, негаки сиз муаммоларни пайдо бўлишидан олдин улар ҳақда ўйлаб, фикрлаб олган бўласиз. Қайсидир ишнинг муваффақиятли якуни ҳақидаги беҳуда ўйлар билан вақтингизни совуриш ўрнига тинмай меҳнат қилинг ва сиз дуч келишингиз мумкин бўлган ҳар бир тўхталиш ва тўсиқларни ҳисобга олинг. Қанчалик узоқни кўра олсангиз, сиз ўз режангизни шунчалик узоқ муддатли қилиб туза оласиз, шунчалик қудратли бўлиб бораверасиз.

Януснинг иккинчи чеҳраси доим ўтмишга қараб турган – мақсад ўтмишдаги дилсиёҳликларни эслаб, кимнингдир тумшуғини ерга ишқаб қўйиш эмас. Агар шундай қилсангиз ўзингиздаги куч-қудратга фақат путур етказасиз. Бу, иккинчи

нигоҳдаги муваффақият сири шундаки, ҳозир равшанроқ кўриб, фикрлашингиз учун сизга халақит берувчи ўтмишдаги нохуш воқеа-ҳодисаларни унутишни имкон борича тезроқ ўрганиш керак.



Мукамал тартиб-қоидалар йўқ, фақат вазиятлар бор. Яхши ёки ёмон деган нарсалар йўқ, фақат ҳолатлар бор. Комил инсон фақатгина бу шароит ва ҳолатларга йўналиш бериш мақсадида ёндашади. Агар мукамал тартиб-қоида ёки ўзгармас қонунлар бўлганида эди, халқлар уларни худди кўйлакни алмаштиргандек ўзгартирмаган бўларди, алоҳида олинган ҳеч бир одам тафаккури, у қанчалик оқил бўлмасин, бир бутун халқ закосидан афзал бўлолмайди.

Оноре де Бальзак
(1799–1850)

Ўтмишга қаратилган нигоҳдан асосий мақсад – сиздан олдин ўтганларни ўрганиш, холос (Мазкур китобдаги кўпгина тарихий далиллар ҳам айнан шу мақсадда баён этилган). Ўтмишга мурожаат қилганингиздан кейин, ўзингизнинг ҳаракатингиз ва ўртоқларингиз ҳаракатларини кузатишда синчков бўласиз. Бу сиз учун муҳим мактаб ўрнида бўлади, негаки, ўтмишдан хулосалар чиқаришда сиз ўз тажрибангизга таянасиз.

Аввало, ўзингиз йўл қўйган камчилик ва хатолардан бошлайсиз, айниқса, буларнинг сизни олға силжишдан тўхтатиб қўйганларига алоҳида эътибор беришингиз табиий. Бу хатоларни “48 қоида”да баён қилинганлардан келиб чиқиб таҳлил қилинг ва ўз-ўзингизга таъкидлаб такрорланг: “Мен ҳеч қачон бундай хатоларга йўл қўймайман. Мен иккинчи бундай тузоққа тушмайман!” Агар мана шундай назар билан таҳлил қилишни уддалай олсангиз, сиз ўзингизга мос бўлган ўтмишдаги бир хиллик – шаблонларни бартараф қилишни ўрганасиз – бирор нарсани уддалай олиш қобилияти аслида баҳолаш мушкул бўлган тушунча эканини унутманг!

Ҳукмронлик ташқи қиёфани тез-тез ўзгартириб туришни талаб қилади. Бу сизнинг жуда кўп қиррали бўлишингиз ва доимо ўзингиз билан “бир қоп” айёрона ҳунарларни бирга олиб юришингиз кераклигини англатади. Айёрлик ва қиёфа ўзгартирувчи ниқобларни жирканч ва ахлоқ қоидаларига хилоф деб қабул қилмаслик керак. Инсоний муносабатларнинг

ҳаммаси ҳам у ёки бу даражада ёлғонга асосланиши бор гап. Айтиш мумкинки, инсонни ҳайвонот дунёсидан айнан шу хусусият – ёлғон гапириш, айёрлик ажратиб туради. Юнон афсоналарида, ҳиндларнинг “Махобхорат” эпосида, шунингдек, Яқин Шарққа оид шу каби асотирларда ҳам фойдали саналган айёрона ҳаракатлар қўлланилади. Буюк одамлар, масалан, Одиссей айёрликни айрим маъбудларнинг муғамбирликларига қарши қўяди ва улардаги илоҳий қудратларни ўғирлаш мақсадида қўллайди, бу орқали у гўё улар билан ёлғончилик ва айёрликда тенг қудратга эга бўлади. Алдаш – инсоният тамаддуни билан бир вақтда пайдо бўлган санъат ва ҳукмронлик учун кечадиган ўйинларда фавқулодда қудратли қурол ҳамдир.

Агар сиз асл ўзлигингиз ва вазиятлардаги ҳолатларингиз орасидаги масофани аниқлаб ололмасангиз, кўп қиррали бўлишни ўргана олмасангиз, қайсидир кун, вазият ёки ҳолат талаб этувчи қиёфага тушолмасангиз – ёлғон билан курашда муваффақият қозонолмайсиз. Ташқи кўринишингизга нисбатан бундай нозик ёндашувингиз, аввало, сизни (одатда, одамларни тубанлик сари тортувчи) зил-замбил қийноқлардан халос этади. Худди актёрлардек юзингизда кўнгилчанлик акс этсин, мақсадингизни ҳаммадан сир тутишга ўрганинг, одамларни қизиқтириб қўйиб, мақсадингизга бўйсундиришни ўрганинг. Эҳтимол, алдов санъатидаги ўзига хос ўйиннинг образларини бизга ҳаётнинг ўзи тақдим этувчи эстетик завқлар сирасига қўшса бўлар. Лекин бу ҳукмронлик учун курашнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб қолаверади.

Агар ёлғон сизнинг хазинангиздаги энг қудратли қурол бўлса, сабр – сизнинг энг мустаҳкам қалқонингиз бўлади. Сабр сизни кўпол хатолардан асрайди. Худди ҳис-туйғулар устидан назорат каби сабр ҳам ҳаёт давомида ўзлаштириладиган кўникма – бу, одатда, табиатан мукамал тарзда берилмайди. Бизни қуршаб турган табиатдаги табиийликдан фарқли ўлароқ ҳукмронликда ҳеч қандай табиийлик акс этмайди, таъбир жоиз бўлса, унда илоҳийлик мужассам. Сабр эса – маъбудларнинг энг олий хислати, вақт уларнинг измида. Ҳамма яхши нарсалар вақт ўтиши билан содир бўлаверади – биров сабр қилсангиз, бир қанча фурсат ўтиб қарасангиз – майсалар қайтадан униб чиқади. Сабрсизлик эса фақатгина сизнинг ожиз қиёфангизни атрофга кўз-кўз қилади. Сабрсизлик ҳукмронлик учун ёт нарса.

Хукмронлик, аслида, беихтиёр бўлса-да, табиатан ахлоқ қоидаларига зид. Унинг асосий кўникмаси – атрофга нима яхши-ю, нима ёмон деган таҳлил билан қарамайди. Хукмронлик учун кураш дегани бу ўйин – буни тез-тез такрорлаш мумкин – ўйинда эса рақибингиз нималарни ўйлаётгани эмас, унинг ҳаракатларидаги натижа сиз учун қизиқ ва муҳим. Рақибингиз тактикаси ва кучини сиз кўриб-билиб турганингиз каби баҳолайсиз. Баъзан кимнингдир мақсади фақат алдов ва ҳийла бўлиб чиқади! Агар сизнинг рақибингиз ёки сафдошингиз охироси фақат сизнинг фойдангизни кўзлаб ҳаракат қилаётган бўлиб чиқса, бундай алдов ва ҳийла нимани ўзгартиради? Бундай ҳолатларга тушиб қолган одамлар ҳар қандай омиллар билан ўзини оқлашга уринишади. Сиз эса ҳар сафар бундай оқловларни эшитганингизда жавоб ўрнида ишонқирамай жилмайиб қўйишингизга тўғри келади. Шундай қилсангиз, ҳеч қачон бошқаларнинг ўзларини қайсидир ахлоқий меъёрларни дастак қилиб олган алдовларига учмайсиз. Аслида эса уларнинг оқловлари ҳукмронлик учун курашдаги куч тўплаш учун чираниши бўлади.

Ўйин давом этаяпти. Рақибингиз рўпарангизда ўтирипти. Иккинги ҳам ўйиннинг барча қоидаларига риоя қилиб, ҳеч нарсани кўнглингизга олмай ўзингизни жентльменларча (ёки малоҳатли аёлларга хос тарзда) тутаяпсиз. Сиз ўзингиздаги хотиржамликни ошқора намойиш қилганча, ўйинда турлича услубларни қўллаб кўраяпсиз ва рақибингиз кўз узмай турган юришларингизга нисбатан диққат билан қарайсиз. Унинг юришларини ҳам диққат билан кузатинг, ҳаммаси кўз ўнгингизда бўлсин, ҳеч нарсага чалғиманг.

Сиздаги ҳукмронлик кўникмасининг ярми нима қилмаётганингиз, мавжуд вазиятдан чиқиб кетиш учун ўзингизга ўзингиз кўмак беролмаётганингиз билан боғлиқ. Бундай кўникмани бутунлай ўзлаштиришингиз учун ҳар қандай нарса сиз учун қанчага тушаётганини ўрганишингиз керак бўлади. Ницше ёзганидек: “Нарсаларнинг баҳоси қанчалик фойдали экани билан эмас, унга қанча тўлашаётгани – у бизга қанчага тушаётгани билан ўлчанади”. Эҳтимол, сиз мақсадингизга, орзуингиздаги мақсадга эришарсиз ҳам, лекин бу сиз учун қанчага тушади? Мана шу натижани ҳар бир нарсага қўлланг, масалан, ким биландир ҳамкорлик қилишингиз керакми ёки унинг ёрдамидан воз кечганингиз дурустми? Албатта,

ҳаёт қисқа, эҳтимол, тутилган имконлар чегараланган, куч-қувватингиз ҳам туганмас эмас. Шу маънода ҳамма қадрли нарсалар қаторида вақтга ҳам алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Ҳеч қачон қимматли вақтингизни беҳудага сарфламанг ёки ҳеч қачон эрмаклар билан миянгизни банд қилманг – бу жудаям қимматга тушади.

Ҳукмронлик – ижтимоий ўйин. Уни қўлга киритмоқчи бўлсангиз, ўзингиздаги одамларни ўрганиш ва уларни билиш қобилиятини ўстира боришингизга тўғри келади. XVII асрнинг буюк мутафаккири ва сарой аъёни Балтазар Грациан: “Кўпчилик одамлар вақтларини ҳайвонлар ва ўсимликларни ўрганиш учун сарфлашади; лекин бундан кўра биз билан шундоққина ёнма-ён яшаб ўтадиган инсонларни ўргансалар анчагина муҳимроқ иш қилган бўларди”, деб ёзганди. Ҳаётдаги ҳукмронликка интилиш ўйинида яхши ўйинчи бўлишни истасангиз, яхши психолог бўлишингиз ҳам керак. Сиз, одатда, одамлар ўз ҳаракатлари билан пинҳон тутадиган нозик далилларни илғаб, тушуна билишингиз лозим бўлади. Одамлардаги пинҳоний далилларни тушуниш бу – бир бутун фаннинг ўзи, буюк донишмандлик, агар сиз бунинг уддасидан чиқа олсангиз, ҳукмронликка эришасиз. Бу фан алдов, ҳийла-найрангларга кенг йўл очиб беради.

Одамлар чексиз даражада турфа, уларни кузатиб, охиروқибат уларни тугал тушунмай ўтиш ҳам мумкин. Шунинг учун ўрганишни имкон қадар эртароқ – ҳозироқ бошлаш керак! Бунга киришаркансиз бир қоидани унутманг: ҳеч қачон ўрганаётган кишингизни ўзингиз ишонган одамлардан ажратманг. Ҳеч кимга бутунлай ишонманг ва ҳаммаи барабарига ўрганинг, дўстларингиз ва севимлиларингизни ҳам.

Ниҳоят, ҳеч қачон ҳукмронликка тўғридан-тўғри йўлни танламанг, буни ўрганишингизга тўғри келади. Айёр бўлинг. Худди лузага тушгунича бир неча марта айланувчи бильярд шарчасига ўхшаб сизнинг мақсадга элтувчи ҳаракатларингиз ҳам мутлақо кутилмаган йўналишлар учун мўлжалланган бўлсин. Турлича йўналишларга асосланган ҳаракатни ўрганиш кўникмаси билан сиз замонавий шароитдаги фаровонликка эришасиз ва ўз ишингизнинг устаси сифатида атрофдагилар учун ҳавасга муносиб бўласиз.

“48 қоида”га ҳаётдаги айланма йўллارни ўзлаштириш санъатини ўргатувчи йўлбошловчи сифатида қаранг. Қоидалар ҳукмронлик билан таниш ва унга эришган эркак ёки аёллар

томонидан ёзилган ҳужжатлар билан асосланган. Бу ҳужжатлар ўзида уч минг йиллик тараққиётни мужассамлаштиради, улар қадимги Хитой ва Уйғониш давридаги Италия каби цивилизацияларда яратилган. Лекин улар умумий бир йўл-чизикда бирлашади: улар ўзаро уйғунлашиб, бир бутун ҳукмронликнинг моҳиятини ташкил қилади, албатта, бу ҳали мукаммаллаша бориши шубҳасиз.

“48 қоида” асрлар донишмандлиги моҳиятини ўзида мужассам қилган, моҳир стратеглар (Сун-цзи, Клаузевиц), давлат арбоблари (Бисмарк, Талейран), сарой аъёнлари (Кастильоне, Грациан), шунингдек, инсоният тарихида одамларнинг муносабатларига оид ишлари билан ном қолдирган бошқа машҳурлар томонидан ёзилганларни ўзида жамлаган.

Қуйидагилар қонунларга хос ҳисобланади: маълум бир ҳаракат деярли доимо қайсидир ҳукмронликни мустақамлайди (қонуннинг амал қилиши), айти пайтда бошқалардаги ҳукмронликка путур етади ёки бутунлай барҳам топади (қонун бузилиши). Қонуннинг бу тарздаги амал қилиши ва бузилиши азал-азалдан шундай.

“48 қоида”дан турли йўсинда фойдаланиш мумкин. Китоб орқали сиз, умуман олганда, ҳукмронлик билан танишасиз. Кўпгина қоидалар сизнинг ҳаётингизга жорий бўлиши мумкин эмас кўринади. Лекин мавриди келиб, улар ўзаро боғлиқ эканига амин бўласиз. Сабаблар билан умумий тарзда танишиб олганингиздан кейин сиз ўзингиз йўл қўйган хатоларни баҳолаш имконига эга бўласиз. Қунт билан ўқисангиз у сизни фикрлашга ва шу асосда кўпгина нарсаларни қайта баҳолашга ундайди.


Китобга шундай тартиб берилганки, уни ўз ўрнида луғатдек фойдаланиш ҳам мумкин. Қайсидир қоидага мос маълумотни топиб, ўзингизни қизиқтирган маълум ҳолатга жавоб излашингиз мумкин. Масалан, раҳбарият билан боғлиқ тушунмовчилик ёки нега сизнинг ҳамма уринишларингиз самарасиз кетаяпти ва ҳеч бир рағбатга лойиқ кўрилмаяпти. Кўпгина қоидалар “раҳбар-ходим” муносабатлари асосига қурилган ва сиз айнан улардан бирига мос келмайдиган ҳаракатлар билан банддирсиз балки. 48 қоиданинг сарлавҳалари келтирилган дастлабки хатбошиларини ўқиб сизнинг вазиятингизга мос қоидани танлашингиз мумкин.

Ниҳоят, китобни қизиқиш юзасидан варақлаб, аждод-

ларнинг ожизликлари ҳақидаги ҳикоялар ва уларнинг таъсирли мисралари билан овунишингиз ҳам мумкин. Лекин биз ўқувчиларни янглишлардан асраш учун айтиб қўймоқчимиз: яхшиси, бундай қилмаганингиз маъқул. Ҳукмронлик одамни ақл бовар қилмас даражада қизиқтирувчи ва алдов-ёлғонга мойил. Бу ўзига хос лабиринт – сизнинг онгингиз ҳам шунга мос тарзда ҳукмронликнинг ҳадсиз саволлари билан “юкланади” ва беихтиёр қандай қилиб қизиқиб, бунга маҳлиё бўлганингизни сезмай қоласиз. Бир сўз билан айтганда, ҳукмронликка жиддий киришиш сиз учун борган сари ёқимли бўлиб боради. Шунчалар жиддий ишни эрмак қилманг. Ҳукмронлик ўз табиатига кўра енгилтакликни ёқтирмайди. Ҳукмронлик ҳамиша ҳам фикрлайдиган ва ўқиб-ўрганувчиларга омад олиб келади, шунчаки кўнгилочар машғулот сифатида вақт сарфлаганларни эса шафқатсиз жазолайди.

Яхшиликни барчага татбиқ қилмоқчи бўлган инсон яхшиликка бегона бўлган кўпчиликнинг вафотига сабаб бўлади. Шунга кўра, ўз ҳукмронлигини сақлаб қолмоқчи бўлган ҳукмдор зарур пайтда яхшиликдан чекинишини ва уни оқилона, зарурати туғилган пайтларда ишлатишини билиши керак.

Никколо Макиавелли
(1469–1527)



@HOKIMIYATNI
NG_48_QOIDASI

QR kod

